

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 304-ҳадис

37- **Аллоҳ таоло қўйидагиларни зикр қилади: «Суйган нарсаларингиздан инфоқ-эҳсон қилиб бермагунингизча ҳаргиз яхшиликка (жаннатга) етмагайсиз» (Оли Имрон сураси, 92-оят).**

37-боб

Яхши кўрган нарсалардан ва яхшисидан инфоқ қилиш ҳақида

Аллоҳ таоло қўйидагиларни зикр қилади: «Суйган нарсаларингиздан инфоқ-эҳсон қилиб бермагунингизча ҳаргиз яхшиликка (жаннатга) етмагайсиз» (Оли Имрон сураси, 92-оят).

Аллоҳ таоло қўйидагиларни зикр қилади: «Суйган нарсаларингиздан инфоқ-эҳсон қилиб бермагунингизча ҳаргиз яхшиликка (жаннатга) етмагайсиз» (Оли Имрон сураси, 92-оят).

Аллоҳ таоло қўйидагиларни зикр қилади: «Суйган нарсаларингиздан инфоқ-эҳсон қилиб бермагунингизча ҳаргиз яхшиликка (жаннатга) етмагайсиз» (Оли Имрон сураси, 92-оят).

«Эй мўминлар, касб қилиб топган нарсаларингизнинг ҳалол-покизаларидан ва Биз сизлар учун ердан чиқарган нарсалардан инфоқ-эҳсон қилингиз! Эҳсон қилиш учун паст-нопоқларини танламангиз!» (Бақара сураси, 267-оят).

304 - Аллоҳ таоло қўйидагиларни зикр қилади: «Суйган нарсаларингиздан инфоқ-эҳсон қилиб бермагунингизча ҳаргиз яхшиликка (жаннатга) етмагайсиз» (Оли Имрон сураси, 92-оят).

998 [1461]].

«**Ўзингиз яхши кўрган нарасадан нафақа қилмагунингизча яхшиликка эриша олмассиз**» ояти нозил бўлганида Абу Толҳа туриб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига борди ва: «Эй Аллоҳнинг Расули! Аллоҳ табарока ва таоло: **Ўзингиз яхши кўрган нарасадан нафақа қилмагунингизча яхшиликка эриша олмассиз**», демоқда. Менинг учун молларимнинг энг суюқлиси Байруҳодир. У Аллоҳ учун садақа бўлсин. Аллоҳнинг ҳузурида унинг яхшилигини ва заҳира бўлишини умид қиламан. Эй Аллоҳнинг Расули, уни Аллоҳ сизга кўрсатган жойга ишлатинг!» деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Жуда зўр! Мана шу фойдали молдир! Мана шу фойдали молдир! Мен айтганингни эшитдим. Менга қолса, уни қариндошларингга (садақа) қил**», дедилар. Абу Толҳа: «Шундай қиламан, эй Аллоҳнинг Расули», деди. Кейин Абу Толҳа уни қариндошлари ва амакиваччалари ўртасида тақсим қилиб берди».

1. 304. Анасдан розияллоху анху ривоят қилинади.

«Абу Толҳа Мадинада ансорларнинг хурмоси энг кўпи эди. Молларининг унга энг суюқлиси эса Байруҳо* бўлиб, у масжиднинг рўпарасида эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга кирар ва ундаги ширин сувдан ичар эдилар. Ушбу **«Ўзингиз яхши кўрган нарасадан нафақа қилмагунингизча яхшиликка эриша олмассиз»** ояти нозил бўлганида Абу Толҳа туриб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига борди ва: «Эй Аллоҳнинг Расули! Аллоҳ табарока ва таоло: **Ўзингиз яхши кўрган нарасадан нафақа қилмагунингизча яхшиликка эриша олмассиз**», демоқда. Менинг учун молларимнинг энг суюқлиси Байруҳодир. У Аллоҳ учун садақа бўлсин. Аллоҳнинг ҳузурида унинг яхшилигини ва заҳира бўлишини умид қиламан. Эй Аллоҳнинг Расули, уни Аллоҳ сизга кўрсатган жойга ишлатинг!» деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Жуда зўр! Мана шу фойдали молдир! Мана шу фойдали молдир! Мен айтганингни эшитдим. Менга қолса, уни қариндошларингга (садақа) қил**», дедилар. Абу Толҳа: «Шундай қиламан, эй Аллоҳнинг Расули», деди. Кейин Абу Толҳа уни қариндошлари ва амакиваччалари ўртасида тақсим қилиб берди».

Муттафақун алайҳ.

Ривоятларда ҳадис лафзидаги арабча «робихун» ва «ройихун» сўзлари «фойда» ва «фойдаси сенга қайтувчи» деган маъноларни англатиб келган.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVAT MARVARIDLARI

